ХИТОЙ ИЕРОГЛИФИК ЁЗУВИ ТИЗИМИДА ЛИНГВИСТИК, ГРАФИК ВА МАДАНИЙ КОНВЕРГЕНЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

https://doi.org/10.24412/2181-1784-2026-24-72-73

Хасанова Феруза Мирзабековна
Филология фанлари бўйича
фалсафа доктори, PhD, доцент
Тошкент давлат шарқшунослик университети
khasanovaferuza@inbox.ru

HE PROCESSES OF LINGUISTIC, GRAPHIC, AND CULTURAL CONVERGENCE IN THE CHINESE HIEROGLYPHIC WRITING SYSTEM

Khasanova Feruza Mirzabekovna
Doctor of Philosophy in Philology (PhD), Associate Professor
Tashkent State University of Oriental Studies
khasanovaferuza@inbox.ru

Abstract: *This article scientifically and historically examines the processes of linguistic, graphic, and cultural convergence within the Chinese hieroglyphic writing system, analyzing the historical origins and features of the 'Phags-pa script, Arabic-script-based alphabets, the nüshu women's script, and the internal structural evolution of hieroglyphs.*

Keywords: *Chinese writing system, linguistic convergence, graphic convergence, 'Phags-pa script, Arabic script, Xiarjing, nüshu women's script, ideographic system, phonetic writing, evolution of hieroglyphs*

Тилларнинг кўп асрлик алоқалари жараёнида уларнинг структур-функционал парадигмаларида ўхшашлик тенденциялари кучайиши лингвистикада қонуний ҳодиса сифатида эътироф этилади [Ben-Dor Benite 2005]. Хитой ёзуви тараққиётида Юань сулоласи даври график ва лингвистик конвергенция жараёнларининг муҳим бошланғич босқичи сифатида намоён бўлади [Nakano 1971]. Хусусан, бу даврда расмий мақом касб этган Пагба-лама квадрати ёзуви, араб графикаси асосига қурилган истифа ва сяоцзин алифболари, шунингдек, кейинроқ Хунан вилоятида аёллар муҳитида қўлланган “nüshu” аёллар хати конвергенциянинг ноёб намуналаридир.

Хитой иероглифик ёзувидаги конвергенция ҳодисасини фақатгина ташқи график ўхшашликларнинг яқинлашуви сифатида эмас, балки идеографик тизимнинг турли фонетик ва алифболи ёзув тизимлари билан маданий-тарихий жиҳатдан чуқур уйғунлашуви деб қарашимиз мумкин. Мазкур жараён ёзувнинг универсаллигини ошириб, унинг турли муҳитлар ва этнослар маданиятига (жумладан, ислом олами, мўғуллар анъаналари ҳамда маҳаллий лаҳжалар доирасига) муваффақиятли мослашувини таъминлаб берган.

Юань сулоласи даврида император Хубилайхоннинг фармойиши билан тибетлик роҳиб Пагба томонидан ишлаб чиқилган квадрат ёзув империя миқёсида ягона давлат ёзуви вазиifasini ўтаган [Nakano 1971]. Ушбу алифбо хитой иероглифларига хос фонетик ноаниқликларни бартараф этиш ва кўп миллатли ҳудудда ягона мулоқот воситасини қарор топтиришга хизмат қилган. Шу билан бирга, араб графикасига асосланган истифа ва сяоцзин алифболари орқали исломий диний-маънавий тушунчалар хитой тили муҳитига муваффақиятли интеграция қилинган [Ben-Dor Benite 2005; Завьялова 2017].

Хунан провинциясида аёллар томонидан қўлланган “nüshu” аёллар хати эса ўзига хос гендер ва график конвергенция ҳодисаси бўлиб, идеографик белгиларнинг босқичма-босқич бўғинли-фонетик ёзувга айланишини кўрсатади [伦玉敏 2012].

Хулоса қилиб айтганда, хитой иероглифик ёзувидаги конвергенция жараёнлари унинг турли алифбо тизимлари билан маданий-лингвистик синтезлашуви маҳсули бўлиб, ёзувнинг универсаллиги ва барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бен-Дор Бенит Ц. The Dao of Muhammad: A Cultural History of Muslims in Late Imperial China. — Cambridge, MA: Harvard University Asia Center, 2005.
2. Завьялова О.И. Алфавиты в истории китайского языка // Вестник СПбГУ. Востоковедение и африканистика. — 2021. — Т. 13, вып. 4. — С. 604–607.
3. Завьялова О.И. Язык и культура китайских мусульман-хуэйцзу // Дунгане: история и культура. — М.: Наука, 2017. — С. 7–37.
4. Софронов М.В. Китайский язык и китайская письменность. — М., 2007.
5. Nakano M. A Phonological Study in the 'Phags-pa Script and the Meng-ku Tzu-yün. — Canberra: Australian National University Press, 1971.